

Белгияда чақалоқларга қўйилаётган исмлар ичида Муҳаммад исми етакчи



11:19 / 06.10.2018 2802

2017 йилда Бельгияда дунёга келган чақалоқлар орасида энг оммавийлашган исм Муҳаммад бўлди. Бельгия Статистика институтининг маълумотларига қараганда, 2017 йилда Бельгияда 718 нафар чақалоққа Муҳаммад исми берилган. Оммавийлик бўйича рейтингда иккинчи ўринни Лиам исми эгаллади (570 нафар).

Статистика маълумотларига кўра, Муҳаммад исми Брюсселда энг оммавий ҳисобланади, бу ерда 18 044 кишига шу исм қўйилган.

Буюк Британия Миллий статистика бошқармасининг сентябрь ойидаги маълумотларига кўра, Муҳаммад исми Буюк Британия ва Уэльсда туғилган чақалоқлар учун берилган исмлар орасида биринчи ўнликдан жой олган.

